




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-сиёсий газетаси

№ 89 (8.979)

1997 йил

4 август, душанба

Сотувда эркин нархда



Ўзбекистон Мустақиллигининг
олтин йилмиги олғудан

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМГАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

Азиз ёш дўстларим!
Сизларни, иқтидорли ёшларни
нг чет элда таълим олишларини
қўллаб-қувватлаш «Умид» жамгар-
маси грантларини қўлга киритган
ликларингиз ва жаҳоннинг энг
нуфузли олий ўқув юрларида би-
лим олиш бахтига муяссар бўл-
ганликларингиз билан чин дил-
дан самимий табриклайман.

Азалдан халқимиз орасидан до-
но ва истеъдодли ёшлар кўп чи-
қан, улар ақлу заковат бобида ду-
нённи лол қолдиришган. Сиз, фар-
зандларимизнинг томирида инсо-
нийат маънавий ҳазинасига улкан
хисса қўшган Амир Темур, Имом
Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу
Райхон Беруний, Абу Али ибн Си-
но, Мирзо Улуғбек, Алишер На-
воий, Бобур Мирзо каби бобола-
римизнинг қони жўш урмоқда.


Сизлар дунёнинг энг тараққий
этган мамлакатларида ўқиб, жа-
ҳон андозалари даражасида би-
лим олиб, энг замонавий касб-
хунар ўрганиб, овоз ва обод Ўз-
бекистоннинг буюк давлат бўли-

шида муносиб ҳисса қўшасизлар,
деган умиддамиз. Бунинг учун
жаҳёт синовларига бардош бериш,
жамиятда ўзингизга муносиб ўрин
топиш, юксак маърифатли ва ул-
кан салоҳиятли бўлиш талаб эти-
лади.

Барчангиз она Ватанимизга фи-
дорона хизмат қиладиган, уни-
нг буюк ва қудратли бўлиши учун
курашадиган, ватан ва миллат
манфаатларини юракдан ҳис эта-
диган, ўз иқтидори билан она
юртни улуғлашга қодир, ис-
теъдодли ва садоқатли йигит-қиз-
ларсиз.

Истиқлол ва истиқбол йўлида
сафарбар этиш учун қўйган да-
стлабки қадамларингиз зафарли,
жаҳётингиз сермазмун бўлсин.
Ўқш ва изланиш машаққатлари-
га сабр-бардош тилайман. Бор-
ган жойингизда буюк тарих ва ма-
даният юртининг фарзанди экан-
лигингизни намоён этишингизга
ишончим комил.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

Тошкентдаги «Кино-
чилар уйи»да бир гуруҳ
иқтидорли ёшларга
«Умид» жамгармасининг
чет элларда таълим
олиш ҳуқуқини беради-
ган грантларини танта-
нали топшириш маро-
сими бўлиб ўтди.

Президентнинг давлат
маслаҳатчиси Ўткир Рах-
матов давлатимиз раҳ-
бари Ислом Каримов-
нинг «Умид» жамгарма-
си грантлари совриндор-
ларига табригини ўқиб
эшиттирди.

Маълумки, ана шу
грантга эга бўлиш учун
март ойида эълон қилин-
ган танловда турли олий
ўқув юртиларининг 2000
нафардан кўпроқ илми
толиби иштирок этди.
Иқтидорлиларнинг энг
иқтидорлиларидан 160
нафари ана шу грант
совриндорлари бўлди.
Улар танловнинг ўта му-
раккаб ёти босқичидан
муваффақиятли ўтиб,
АҚШ, Япония, Германия,
Франция, Англиянинг энг

нуфузли олий ўқув юрт-
ларида таълим олиш ҳу-
қуқини қўлга киритди-
лар.

— Сизларнинг ҳам-
мангиз жуда жиддий си-
новдан ўтдингизлар, —
деди грант совриндор-
ларини кутлар экан
АҚШнинг Ўзбекистонда-
ги элчиси С. Эскудеро.
— Сиз Европа, АҚШ ва
Япониянинг энг яхши
илм даргоҳларида би-
лим олишга муяссар
бўлган мустақил давла-
тинингизнинг ўзига хос
қалдирғочларидирсиз.
Шунинг учун сизларга
«Энг биринчилар — энг
яхшилар» шiori ҳамроҳ
бўлишини истардим.
Сизлар ўзингизга бил-
дирилган буюк касб-
хунарни олиб, бир неча
йилдан сўнг Ватанин-
гизга чуқур билимларни
эгаллаган ҳолда қайтиб
келасиз ва Ўзбекистон-
ни янада гуллаб-яшна-
шига муносиб ҳисса қў-
шасиз, деган фикрда-
ман.

Тантанали маросимда
сўзга чиққан Халқ
таълими вазири Жўра
Йўлдошев, Ташқи иқти-
содий фаолият миллий
банки раиси Рустам Ази-
мов ва бошқалар соврин-
дорларга чет элларда
ўқишда муваффақият ти-
лаб қолдилар.

Шундан сўнг «Умид»
жамгармаси грантларига
сазовор бўлган 160 нафар
йигит-қизнинг ҳаммасига
Президентнинг совга-
си — Ўзбекистон Рес-
публикаси гербининг тас-



вири туширилган қўл соат-
лари топширилди.
Истиқлол берган бу
буюк бахтга муяссар бўл-
ганлар хис-туйғуларини
муҳаббат билан сўхбат-
да Нилуфар Рашидова
шундай ифодалади:

— Бундан беш-олти йил
муқаддам биз, айниқса ўз-
бек қизлари хорижда ўқиш
имкониятига эга бўлишни
хаёлимизга ҳам келтири-
шмас эдик. Президент-
имизнинг раҳнамолиги ва
гамхўрлиги шарофати би-
лан «Умид» жамгармаси
ташқил этилди ва биз
бугун ана шундай улкан
бахтга мушарраф бўлиб
турибмиз. Мустақиллик
бизга энг эзгу орзуларим-
из ушалиши учун ҳам
имконият яратди.

СУРАТЛАРДА: иқти-
дорли ёшларга «Умид»
жамгармаси грантларини
топшириш тантанали
маросимидан лавҳалар.
Рашид Галиев
олган суратлар.

Анжуманлар

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Тошкент шаҳар ҳо-
кимлигида республика-
мизда фаолият кўрса-
таётган ҳукуматга қар-
ашли бўлмаган барча
жамоат ташкилотлари
вакиллари йиғилиши
бўлиб ўтди. Уни
республика «Маънавият
ва маърифат» жамоат-
чилик маркази Тошкент
шаҳар бўлими бош-
қаруви раиси, жамоат
ташкилотларини муво-
фиқлаштирувчи мас-
лаҳат кенгаши раиси,
профессор Садир
Салимов бошқарди.

У дастлаб шу йилни-
нг июль ойи бошида жа-
ҳондаги ҳукуматга қар-
ашли бўлмаган барча
жамоат ташкилотлари-
нинг Женевада бўлиб
ўтган халқаро анжумани
қатнашчиси сифатида ўз
таассуротларини ўртоқ-
лашди. Жумладан, у
мазкур анжуманда асо-
сий мавзу жаҳондаги
барча жамоат ташкилот-
ларининг айна пайтдаги
вазифалари ҳусусида
сўз боргани ҳақида ах-
борот берди. Айниқса
Ер юзиде тинчликни,
халқлар ўртасида
дўстликни
мустаҳкамлаш, ҳақор-
ликни ривожлантириш,
ёшларни касб-хунарга
ўқитиш, одамларнинг
маънавиятини юксалти-
риш каби масалаларга
катта эътибор қаратил-
ди. Шу билан бирга у
Женевадаги халқаро ан-
жуманда жаҳондаги бар-
ча жамоат ташкилотла-
рининг фаолияти сиёсий
тус олмаслиги лозимли-
ги алоҳида таъкидлан-
гани эслатиб ўтди.

Йиғилиш давомида
иштирокчилар халқаро
анжуман қатнашчиси
саволлар билан муро-
жаат қилишди, ўз фикр-
мулоҳаза ва таклифла-
рини билдиришди. Ҳусу-
сан Тадбиркор аёллар
уюшмаси, «Маҳалла»
хайрия жамгарма-
си, «Маънавият ва
маърифат» жамоатчили-
к маркази, «Экосан» эко-
логия ва саломатлик
жамгармаси, Адвокатлар
раёсати, Халқаро Ислом
тадқиқот маркази вакил-
ларининг чиқишларида
юртимиздаги жамоат
ташкилотларининг бу-
гунги кундаги вазифа-
лари, улар фаолиятидаги
муаммолар асосий мав-
зу бўлди.

Мажид РАИМОВ.

Диққат, янгилик!


БЕКТЕМИРДАГИ САНОАТ МАКОНИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛАДИ

Ҳар томонлама ривож-
ланган ва хорижий дав-
латлар ўртасида тобора
обру-эътибори ортиб бо-
раётган мустақил респу-
блика учун эркин иқтисо-
дий саноат зонаси керак-
ми? Керак. Шу муаммо-
ни ҳал этишга жалб этил-
ган тегишли мутасадди
идоралар шу ҳақда узи-
л-кесил келишиб олишди.
Энди олдинда ҳўш, Мар-
казий Осиёда ягона бўла
оладиган бундай нуфуз-
ли мажмуани қаерда бар-
по этиш лозим, деган сав-
ол турарди. У ер ҳам
аҳоли, ҳам транспорт, ҳам
юртимизни ўзга давлат-
лар билан боғлаб турув-
чи ҳаво йўли қатнови учун
кулай бўлиши кўзда ту-
тилган эди. Хуллас жой
масаласи ҳам ҳал этил-
ди. Бўлажак йирик зона
учун Бектемир ва Урта
Чирчиқ туманлари туташ-

ган ҳудуддан 200 гектар-
дан ортиқ майдон ажра-
тилди. Бунёдкорлик иш-
лари номи жаҳонга маш-
ҳур бўлган Япониянинг
«Сумитомо» курилиш кор-
порацияси олиб боради.
— Шундай катта маж-
муанинг туманимизда
бунёд этилиши биз учун
жуда шарафлидир, — дей-
ди Бектемир тумани ҳоки-
мининг курилиш ишлари
бўйича ўринбосари Ҳусан
Содиқов. — Биринчидан,
шу баҳона туманимиз яна-
да кенгайиб ободонлаша-
ди, транспорт қатнови кў-
паяди. Иккинчидан, у энг
ғавжум ва эътиборли ҳу-
дудлардан бирига айлана-
ди. Муҳими одамлар иш
билан таъминланади. Чун-
ки бу курилиш кенг ми-
қёсلى бўлиб, яқин ўн йил-
ни ўз ичига олади.

Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ.



Шаҳримиз кўрқига кўрк қўшаётган салобатли ин-
шоотлар, шинам турар жой бинолари курилишида
«Сифат» ҳиссасдорлик ишлаб чиқариш-курилиш бир-
лашмаси бунёдкорларининг ҳам ўзига яраша ҳисса-
лари бор. Бирлашманинг эришаётган муваффақия-
тига 30 йилдан буюн жамоада меҳнат қилаётган эве-
но бошлиғи Рашид Исmoilов ҳам ўз улушини қўшиб
кеймоқда.

СУРАТДА: тажрибали курувчи Рашид Исmoilов.
Рустам Шарипов олган сурат.

Футбол

МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ — «ШАЙХОНТОХУР»ДА

Шанба кўни «Пахтакор» марказий стадионига Тош-
кент шаҳри 2-лига жамоалари ўртасидаги анъанавий Му-
стақиллик кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Кейин-
ги йилларда ушбу турнирнинг мавқеи ошиб бораётти.
Июнь ойида бошланган мусобақада 12 та жамоа 3 гу-
руҳда кураш олиб бордилар. Ҳал қилувчи беллашув
майдонига эса «Шайхонтохур-траст» (футбол клуби-
га «Трастбанк» ҳомийлик қилади) ва Мирзо Улуғбек
туманида жойлашган 3-трамвай депосининг «Трам-
вайчи» жамоалари тушдилар.

Уйининг биринчи бўлими меҳмонлар фаоллиги-
да ўтди. Илк ҳисоби 30-дақиқада трамвайчилардан
Александр Чеботарёв бурчакдан тегиб киритилган
чиroyил гол билан очди. Иккинчи бўлимда эса
«Шайхонтохур-траст» анча кўтаринки ва шиддатли
уйин намойиш этди. Кетма-кет ҳужумлардан сўнг ни-
ҳоят, 68-дақиқада Шухрат Ҳусановнинг аниқ зарба-
сидан сўнг ҳисоб тенглашди. Албатта мезбонларни
ўз майдонидаги дураник натижа қониқтирмаслиги та-
биий. Шундан сўнг ҳужум қучатирилиб, Юрий Иван-
ченко томонидан киритилган яна иккинчи гол «Шайхон-
тохур-траст»га Мустақиллик кубоги голибигини кел-
тирди. Ҳисоб — 3:1.

— Ушбу ютуқ футболчиларимиз учун катта аҳа-
миятга эга, — дейди «Шайхонтохур-траст» футбол
клубининг президенти, Шайхонтохур тумани ҳокими
Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Чўчки жамоа олдиде тез орада
биринчи лигага ўтишдек масъулият турибди. Мустақил-
лик кубоги бу йўлдаги ишончли мадд бўлиб қолади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Х. Абдуллаев кўчасидаги таъмирлаш
ишларининг ниҳоясига етиши, Х. Абдул-
лаев, Буюк ипак йўли, Достон кўчалари
кескишган жойда курилиш мажмуаси тад-
бирларининг бажарилиши зарурати му-
носабати билан шу йил 2 августдан 10
августгача шаҳар йўловчи транспорти ха-

ракатида вақтинчалик ноқулайликлар бўла-
ди, қисқа муддатда электр энергияни, газ,
сув ва иссиқ суви учирчи қўйиш ҳоллари
эҳтимоли бор.

Шу боисдан пойтахт аҳолисидан ана шу
масала моҳиятига хайрихоҳлик билан му-
носабатда бўлишларини илтимос қиламиз.

Мутасадди раис Фикрпача...

«ТОШКЕНТ СУВИ» СЕРОБ

Улқамизда жазирама
ёз. Бундай кезларда му-
дек яхна сувга эҳтиж ор-
тади. Айниқса саратон
масъумида шахримизда
«Шифобахшбулок» кор-
хонасининг маҳсулоти кў-
ма-қўл бўлиб кетади. Са-
баби бу маҳсулот ҳам ар-
зон, ҳам шифобахш. Бу-
гун биз кўпсонли оқшом-
хонлар илтимосини ино-

батта олиб шу ҳиссасдорлик
жамияти бошқаруви раиси
Акmal Абдулхўжаевдан қол-
хонанинг шу кунги иш фа-
лолияти ҳақида таъриб бери-
лиши сўрайди.

— Ха, «Шифобахшбулок»
маҳсулоти бу йил ҳал қил-
дан сероб, — дейди Акmal
ака. — Бутун ёз бўйи шун-
дай суръатни ушлаб туриб-
миз. Ҳозир корхона тулик

куват билан ишламоқда. У
бир кунда шахримиз дўкон-
ларига 320 минг ишла су-
в чиқаряпти. Бу кўрсаткич ре-
жадагидан ана ортиқча бў-
либ шаҳар аҳолиси етхёжи-
ни тула қондиради демекдир.
Корхонамиз икки сменда
мунтазам ишлаб турибди.
Иккита қўлов чехимиз эрта-
куч тинимсиз ҳаракатда. Биз
учун зарур бўлган маҳсулот-

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «Ўз-
бекистон кўшиқ байрами»ни ўтказиш респуб-
лика ташкилий қўмитасининг навбатдаги маж-
лисида ушбу санъат байрамининг яқунловчи
босқичига тайёргарлик масалалари кўриб чи-
қилди.

● Президент девонининг Назорат инспек-
циясида ҳудудий назорат инспекциялари раҳ-
барлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда
давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 29
июль кўни Вазирлар Маҳкамасидаги мажли-
да сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазир-
лар ҳамда назорат инспекцияларининг йил-
нинг биринчи ярмидаги иш якунлари муҳока-
ма этилди.

● 37 чакирим узунликдаги Учқўрғон-Наман-
ган сув узатиш тармоғининг биринчи навбати
фойдаланишга топширилди. Бу билан Наман-
ган шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар аҳо-
лисина тоза ичимлик суви билан таъминлаш
муаммоси ҳал этилди.

● Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон адво-
катлар ассоциациясининг таъсис курултойи-
да унинг янги Низоми ва бошқа меъёрий ҳуж-
жатлари тасдиқланди, раҳбар органлари
сайланди.

● Миллий Олимпия қўмитасида Хитой Олим-
пия қўмитаси делегацияси билан учрашувда
олимпия ҳаракатини, жисмоний тарбия ва спор-
тни ривожлантиришда икки мамлакат ўрта-
сида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

ЖАҲОНДА

● Бугун Москвада Россия Бош вазирининг
биринчи ўринбосари Борис Немцов НАТО Бош
қотиби Хавьер Солана билан учрашади.
Хавьер Солана кеча Россия ҳукумати такли-
фига мувофиқ бу ерга 10 кунга дам олиш учун
келди.

● Бугун Эроннинг янги Президенти Муҳам-
мад Хатомий қасамёд қилади. Кеча Эрон ди-
ний раҳбари оятулла Ал Хоминий ақинда пре-
зидент сайловида голиб чиққан Муҳаммад Ха-
томийнинг ваколатини тасдиқлади.

● Бугун АҚШ Куrolли кўчлари бирлашган
штаблари қўмитаси бошлиғи Жон Шеликаш-
вили Тбилисига келади. Эртага у Грузия Пре-
зиденти Эдуард Шеварднадзе, мамлакатнинг
бошқа раҳбарлари билан музокаралар ўтка-
зади.

● Сурия Президенти Хафиз Асад қисқа таш-
риф билан Техронда бўлди. Эрон диний раҳ-
бари оятулла Ал Хоминий у билан учрашувда
ислом мамлакатлари Сурияни Исroлий билан
ҳудудий масалалардаги баҳсида қўллаб-қув-
ватлашлариға ваъда берди.

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев-
нинг АҚШга расмий ташрифи ниҳоясига ет-
ди. Унинг АҚШ Президенти Билл Клинтон би-
лан музокараларида асосан Каспий денгизи-
да нефть қазиб олишда ҳамкорлик қилиш ҳам-
да Тоғли Корабог муаммосини ҳал этиш ма-
салалари кўриб чиқилди.

● Жазаирда жангарларнинг хунрезликлариға
чек қўйиб бўлмапти. Фақат сўнгги икки кун
ичида бу ерда юз нафарга яқин жазаирлик
уларнинг қурбони бўлди.

● Эртага Нью-Йоркда Корейс ярим ороли-
да тинчлик ўрнатиш юзасидан кўп томонлама
музокаралар бошланади. Унда Корей Респуб-
ликаси, КХДР, АҚШ ва Хитой вакиллари иш-
тирок этадилар. Жанубий ва Шимолий Корей
ўртасида можароларни тинч йўл билан ҳал қи-
лишга қаратилган ушбу музокаралар 1996 йи-
ли АҚШ билан Хитой воситачилигида бош-
ланган эди.

● АҚШ конгресси 1998 молия йили учун
мудофаа мақсадларига 248 миллиард доллар
ажратилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини
маъқулади.

● Эртага Бойкўнгир космодромидан «Союз-
Т-26М» кемасининг парвоз қилиши мўлжал-
ланган. У «Мир» орбитал станцияси билан ту-
таштирилган, Россиянинг икки космонавтидан
иборат янги экипажи 20 августда юк кемаси
билан ўқнашиб кетиши натижасида носоз
холга келган «Спектр» бўлмасини таъмирлаш-
лари кўзда тутиляпти.

● Белоруссияда Россия жамоатчиликл теле-
видениеси мухбирларини чегарадан ноқону-
ний ўтишда айби билан ҳибсга олиниши на-
тижасидаги шов-шув давом этапти. Ҳибсдаги
тележурналист Павел Шеремет агар Белорус-
сия маъмурлари уни озод этмасалар, очлик
эълон қилишини билдирди.

● Кеча Москвадаги машҳур «Қозон» темир
йўл вокзали таъмирлангандан сўнг тантанали
вазиятда очилди. Бу маросимда Россия Бош
вазир Виктор Черномырдин иштирок этди.

● Хитой Халқ озодлик армияси Бош шта-
бининг бошлиғи АҚШга расмий ташриф би-
лан келди.

● Ҳиндистоннинг Дивас шаҳри атрофида да-
рр ўстидаги кўприкдан ўтаётган автобус сувға
қулаб тушиши оқибатида ундаги 40 дан ортиқ
киши ҳалок бўлди.

● Бугун Москвада асримизнинг энг машҳур
муסיқчиларидан бири Святослав Рихтер Но-
водевичье қабристониде дафн этилади.

● «Трансферти интернэшнл» мустақил таш-
килоти маълумотларига кўра амалий доира-
ларда коррупциянинг авж олиши бўйича Ни-
герия жаҳонда биринчи ўринни эгаллар экан.
Бу рўйхатда Боливия иккинчи, Колумбия учин-
чи, Россия эса тўртинчи ўринда экан.

лар муаммоси ҳам узил-ке-
сил ҳал этилган. Қопқок ва
ишлар етарли. Уларни ол-
дидан бисёр қўлиб жамга-
риб қўйганмиз. Савдо нук-
талари ва дўконларга шарт-
нома бўйича маҳсулот тар-
қатамиз. Ҳалигача бирон-бир
бюртма бажарилмай қолган
кун бўлгани йўқ.

Корхонамиз республика-
мизнинг Мустақиллик байра-
мига ҳам ўзига хос тайёргар-
лик кўрмоқда. Бу қўлтуғ кўна
атаб бир қатор янгиликларни
ишлаб чиқаришга жорий эт-

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Тошкент чинчилари... Чиройли ва жангли чинчилари... «Тошкент чинчи заводи» ҳиссадорлик жамиятини қўллаш цехини айланар эканми, ана шундай жаранларни кулогимиз остида туйдик.

Конвейерлардан кетма-кет чиқаётган турли хил чинчилар секин-аста гул солиш цехига узатилади. Меҳнатнинг машаққатли ва завқлиси мана шу цехда давом этади десак, янглишмаймиз. Бу ерда ўта дидли рассомлар кўлида ҳар бир чинчи идиш ўзига хос ороланади, кўлга олганда эса дили яннатувчи безаклар берилади.

Цехимизда меҳнат қилаётган рассом-аёллар маҳсулотларимизнинг халқимизга манзур бўлиши уларга ҳам боғлиқ эканлигини жуда яхши ҳис этишади, — дейди цех етакчиси Дилбар Тошхўжаева. — Жамоамизга мутахассисларни ўзимиз тайёрлаймиз. Уларга икки ойлик ўқитиш ва иш ўргатиш жараёнида бизнинг кўлимиздан чиққан маҳсулотларнинг барчага манзур бўлиши ўзимизга, кунт билан ишлаганимизга боғлиқлигини тушунтирамиз. Ҳақиқий санъаткорона меҳнат қилиш жамоамизга обрў келтиришини қизларимиз яхши аңглаб етадилар. Мана кун кеча ўқувчи бўлиб келган Дилноза Қодирова, Мухаррам Иброҳимжонов ва сингари рассомларимиз чинчиларга чицаётган нақш ва гулларни кўриб, ўзингизнинг ҳам ҳавасингиз келади.

— Ҳозирги кунда бозор талабини яхши тушуниб олдик: «Иш-

ламаган тишламайди». Ўз моддий аҳволини яхшилашни истайсанми, ишинг талаб даражасида бўлишига эришсан. Аввало ишчиларимиз ўз вазифасини сидқидилдан бажариш кераклигини эндиликда яхши тушунадилар, улар ўзларининг ҳақиқий мулк эгаси

йўллари қидириб топдик. Айни кунларда маҳсулотимизнинг асосий қисмини Ангрен лойидан фойдаланиб тайёрламоқдамиз. Биз шу кунларда чиқараётган чинчиларимизнинг зуваласи ҳақиқатан ҳам она тупроқ баридан олинмоқда. Қийинчиликларга қа-

Саноат

ЗУВАЛАСИ ОНА ТУПРОҚДАН



эканлигини фаҳмлаб етмоқдалар, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Файзулла Раҳматуллоев. — Хом ашё танқис биринчи йилларда аҳолимиз оғир эди. Чунки биз асосий хом ашёни Украинадан олардик. Лекин кўл қовуштириб ўтириб бўлмади. Шунинг учун ҳам биз ўз хом ашё-миздан самарали фойдаланиш

рамай ўзимизнинг технологиямиз асосида иш суръатини ошириш билан бирга, чинчиларимизнинг аввалги нуфузини сақлаб қолтиш йўлида саъй-ҳаракат қиламиз.

Шу кунларда корхонада 60 дан ортиқ турдаги чинчи идишлари ишлаб чиқаришмоқда. Лекин гап сонда эмас, сифатда. Икки-уч хил маҳсулот чиқарсанг ҳам унинг бо-

зори чакқон бўлса, албатта, корхона фойда кўради. Айниқса, «Сарой гули», «Шохсанам», «Нозим», «Пахта», «Дурдона», «Баҳор» термалари шўхрат қозонган.

— Корхонамизга ташриф буюрган Покистон, Туркия, Хитой мутахассислари, — сўзини давом эттирди Ф. Раҳматуллоев, — ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни кўришиб, биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Шунингдек, Германия мутахассислари билан музокараларимиз тез кунларда ўз самарасини беради. Улар билан қўшма корхона очмоқчимиз ҳамда асосий мақсадимиз — сифатли хом ашёдан тайёрланган Ўзбекистон чинчилари жаҳон бозоридан ўзининг муносиб ўрнини олсин.

Тайёрланаётган маҳсулотлардан, амалга оширилаётган ишлардан, хориж билан ҳамкорликка интилишлардан кўришиб турибдики, ҳадемай Тошкентимиз чинчилари ҳам хориж давлатлари бозорларида сотилади, жаҳоннинг кўзга кўринган давлат музейларини безайди. Ажаб эмас, улар япон ва хитой чинчилари каби қўлма-қўл бўлиб кетса...

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: янги тайёрланган қаҳва термаси; ҳиссадорлик жамияти асосий цехларидан ҳисобланган гул солиш цехининг ёш рассомлари (чапдан-ўнга) Одилов Қодирхонов, Дилноза Қодирова, цех бошлиғи Дилбар Тошпўлатова ва Мухаррам Иброҳимжоновалар бегаган чинчи буюмлар ҳаммаша кишига завқ бағишлайди.

Рашид Галиев олган суратлар.



«Тошшаҳарюктранс» концернига қарашли 1-ҳиссадорлик автокорхонаси ҳайдовчиларини шахримиз кўрқига кўрк қўшаётган йирик қурилиш мажмуалари, серхашам бозорлари, равон кўчалари қурилаётган жойларда учратасиз. Улар бу жойларга қурилиш материаллари етказиб берадилар.

Жамоа 1997 йилнинг биринчи чораги якунига кўра «Тошшаҳарюктранс» концернига қарашли 11 та корхона орасида иқтисодий кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринни кўлга киритганини ҳам юқоридаги сўзимизнинг далилидир.

— Автокорхонамиз 1993 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди, — дейди автокорхона раҳбари Левон Амирханян. — Бу ҳайдовчиларимизни уюшқоқлик билан меҳнат қилишга ундади. Аҳилик, баҳамжиҳатликда иш олиб бориш ойлик, чорақ, ярим йиллик режаларимизни муваффақиятли урдалашимизда кўл келмоқда.

Яқинда автокорхона аҳли ҳаётида яна бир эсда қоларли воқеа содир бўлди. Корхона акциядорларининг бўлиб ўтган йиғилишида ўтган йилги иш якунлари бўйича ҳар бир акция — қимматли қўғоз эгасига дивиденд тўланди. Қудайберган Аҳмедов, Рихсибой Абдурасулов, Омонбой Баратов, Евгений Синин, Абдумутал Холматов, Фазлиддин Қодиров, Виктор Афанасьев сингари акциядорлар кўларидида қимматбахў қўғозлари учун 12 минг сўмдан 20 минг сўмгача дивиденд олдилар.

Ўтган йили автокорхона ҳайдовчилари пойтах-

Транспорт

БУНЁДКОРЛАРГА МАДАДКОР

тимиздаги «Миробод», «Кўйлик», «Олой» бозорлари ҳамда Темирийлар тарихи давлат музейи қурилишларида астойдил тер тўкишди.

Автотранспортчилар шу йилнинг олти ойи мобайнида юк ташиниш бўйича барча шартномаларни ўз вақтида адо этдилар. Шу ойлари мобайнида режадан анча ортиқ — 879 минг тонна юк ташилди. Шу билан бирга 3 тонна ёқилғи ҳамда 0,4 тонна дизель ёқилғиси тежашга эришилди.

Халқимизда «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деган ибратли мақол бор. Бу автокорхонанинг ҳам ўз илғорлари анчагина. Кўп йиллардан бундан буён ерда меҳнат қилиб номи пешқадамлар қаторидан ўрин олган Усмон Раҳмонов, Анвар Базетов, Анатоллий Носков, Қобил Тожибоев, Зафар Мусаев сингари ҳайдовчилар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришди. Бахтиёр Юсупов, Енгельс Бузиков, Аъзам Пўлатов каби уста таъмирловчилар эса носоз машиналарга «жон» ато этишади.

Айни кунларда автокорхона ҳайдовчилари Чорсудаги спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилишида, Нукус кўчасининг қайта таъмирланишида, Гафур Ғулом кўчаси ҳамда «Тошкент» шимолий темир йўл вокзалидаги ва «Олой» бозори яқинидаги шўхбеклар қурилишида бунёдкорларга мададкор бўлишмоқда. Шунингдек, корхонанинг 15 та ағдарма машинаси ҳайдовчилари Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» агрофирмаси бўғдойзорларида ғалла ўрим-йиғимида кўмак беришмоқда.

Шарифа БАҲРОМОВА.

Табийки, янги ўқув йили яқинлашган сайин болажонларимизнинг қувончли «ташвиш»лари кўпайиб кетади. Шу кунларда ҳали дафтар, ҳали рангли қалам тайёрлаш билан ҳамма овора.

Лекин бизнинг Юнусободдаги 11-мавзе аҳолисини эса энг муҳим ташвиш — катта йўлдан ўтиш масаласи ўйлантириб қўйди. Кейинги пайтларда Аҳмад Дониш кўчасини кесиб ўтиш учун бирорта йўлга қолмади. Ер қавлайдиган амакилар у ер-бу ердан қавлашаркан, бир-икки қувурни ҳозирлаб қўйишаркан.

ну, кейин оилаб ташлаб кетавераркан. Натижада ўз йўлини тополмаган шофёр акалар уйдим-чүкур бўлиб кетган пйедалар учун ўтиш жойидан машиналарини лол-зү қилиб юрардик. 83- ва 12-мактабга омон-эсон бориб келсинда, болажонларимиз, дея ота-оналар ҳам ҳалак. Ахир, шахримизда ҳар ойда қанча-қанча йўл ҳаракати ҳодисалари бўлиб турибди!..

Болажонларимизнинг бирорта тўғаракка қатнашишини ўйламаса ҳам бўлади. Чунки «Аҳмад Дониш» бекати ёнида қатор тизилиб турган шахсий автомобильлардан автобусларнинг ўзи ҳам «қисиниб-қимтиниб» жой сўрайди.

Сўзларимизга ишонманлар бўлса, шу бекатга келиб, йўлнинг бу бетига ўтиб кўринг. Омон-эсон ўтиб олсангиз, бир пйеда чойимиз бор.

Мирвосил ОДИЛОВ.

«ЎТИШ ЖОЙИ», ҚАЙДАСАН?

пиллатиб ё олдингиздан, ё орқангиздан «хужум»га келаведа. Биз бўлсак, «Хўрозча» дўқони томонга ўтишга светофор қўйилса, деб ор-

Ажаб!

Шаҳримиз деҳқон бозорларида сотилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми республикамизнинг турли вилоятларидан келтирилади. Ҳозирги иссиқ кунларда уларнинг ҳаммаси ҳам истеъмолга яроқлими? Бу саволни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи Нурмат Отабековга бердик.

— Маълумки, республикамиз ҳудудининг катта қисмида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, тупроғимиз ҳам унумдор. Аммо шу билан бирга юртимиз иқлимнинг иссиқлиги мева-сабзавотларнинг, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларининг тезда бузилишига олиб келади. Шунинг учун бозорларимизда ўзига хос шарт-шароитлар бўлиши даркор. Хусусан ҳар бир бозорда тоза сув тармоғи, мева-сабзавот ювиш нуқтаси, ҳўжатхона, канализация ва ниҳоят ветеринария хизмати бўлиши қатъий талаб этилади. Ветеринария хизмати бозорларда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт ва сутларнинг сифатини мунтазам назорат қилиб туришлари керак. Авваллари бундай маҳсулотларни етиштирувчи ҳўжаликларнинг ўзида ветеринария хизмати бўларди. Эндиликда фермер ҳўжаликлари ташкил топгач, бундай хизмат бир қадар эътибордан четда қолди.

Бугунги кунда бозорларимиздаги гўшт расталарининг аҳоли, бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар талаб даражасида эмас. Лаҳм гўштлар, қоринлар, қалла-пачалар, туёқлар — ҳамма-ҳаммаси эртадан кечгача очик ҳолда ҳозирги юқори ҳарорат таъсирида туради. Ҳолбуки, ҳозирги иссиқ кунларда улар музликларда сақланиши лозим. Гўшт сотувчилар ўз маҳсулотларини юқори нархда ушлаб тураверишади. Оқибатда ҳеч қандай қилмагач, гўшт бузилади ва ташлаб юборилади. Бундан кимга фойда, кимга зиён?

Бугунги кунда бозорларимизда хориж-да тайёрланган сут маҳсулотлари, хусусан сариёғлар, маргаринлар, қаймоқларни кўплаб учратиш мумкин. Улар қадоқланган юмшоқ пластмасса идишлардаги ёрликча эътибор қилсангиз, инглиз тилида «Факат совуқ жойда сақланган» деб ёзиб қўйилган. Бизда эса улар офтоб остига қўйиб ҳам сотилмоқда. Ҳолбуки, ўша маҳсулотнинг бўш идишини очик жойга қўрсатиб қўйиб, қолганини салқин жойда сақласа ҳам бўлади-ку.

— Ҳозирда озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ҳолича уйда тайёрлаб, бозорда сотадиганлар ҳам оз эмас. Модомки, бу каби егуликларнинг сифати яхши-

Солиқ қонунлари, шу соҳадаги ўзгаришларни тадбиркорларга, аҳолига етказиш талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 август қарори билан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг ахборот-маслаҳат сервис маркази ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Бизнинг ушбу марказ бошлиғи Баҳром Шамсутдинов билан суҳбатимиз ҳам юқоридаги ташкилот томонидан солиқ тўловчиларга қўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари хусусида бўлди.

— Баҳром Абдуллаевич, ахборот-сервис марказининг йўналишлари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Солиқ идоралари фаолияти кўпчилик ўйлаганидек у қадар тор доирада эмас. Бинобарин, унга юридик ва жисмоний мақомга эга шахсларни солиққа тортиш юзасидан текширувларни амалга ошириш билан бир қаторда уларга ахборот ва маслаҳатлар хизмати қўрсатиш фаолияти ҳам қиради. Пойтахт Давлат солиқ бошқармасининг ахборот-маслаҳат сервис маркази 1994 йилдан ўз фаолиятини бошлаб, ҳозирда кўпгина йўналишларда иш олиб бормоқда. Солиқ тўловчиларга солиқ қонунлари

Солиқ

АХБОРОТ- МАСЛАҲАТ ХИЗМАТИ

бўйича ахборот-маслаҳат хизмати қўрсатиш, солиқ тўловларини амалдаги солиқ қонунчилигига, солиқлар бўйича ҳисоб-китоб, ҳисобот ва декларацияларни тузишга ўқитиш, солиқ идораси ҳодимлари ва солиқ тўловчилар учун солиқ қонунлари тўғрисидаги ҳужжатларни кўпайтириш ва нашр этириш каби хизматлар шулар жумласидандир. Кейинги пайтларда солиқ идораси ҳодимларининг ўз мутахассисликлари бўйича малака-савиясини ошириш ҳамда ушбу соҳа ҳодимларини компьютер орқали ахборот-ҳисоблаш муҳитида ишлашга ўргатиш ишлари ҳам катта аҳамият қаратмоқда. Марказ томонидан солиқ тўловчиларнинг саволларига ҳат орқали жавоб бериш иши ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари ахборот-маслаҳат беришининг тезкорлиқни ошириш мақсадида алоҳида телефон ажратилган. Солиқ тўловчилар ўз саволларига марказдаги ана шу «Ишонч телефони» орқали ҳам жавоб оладилар.

Ўтган 1996 йилда 3048 солиқ тўловчи ахборот-маслаҳатлар, 190 та корхона-ташкilotлардан келган сўров хатларига жавоб берилди. Бу 1995 йилга қараганда уч баравар ортиқдир. Ҳозирги кунда солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

— Марказ солиқ тўловчиларга яна қандай хизмат турларини қўрсатмоқда?

— Солиқ тўловчилар солиқ қонунлари ва улардаги ўзгаришларни билишлари, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри тузиш ва уни ўз вақтида солиқ идораларига тақдим этишлари керак. Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида ахборот-маслаҳат

сервиси маркази қошида солиқ тўловлар учун бир ҳафталик малака ошириш курслари ташкил этилган. Ушбу курсларда корхона ва ташкilotларнинг бош ҳисобчилари, иқтисодчилари ўқитилади. Ўтган йили 643 та йирик корхона ва ташкilotларнинг ҳодимлари ўқув курсларида ўз малакаларини оширишди.

Солиқ тўловчиларга ахборот-маслаҳат беришининг яна бир йўналиши — шаҳар солиқ идораларининг малакали мутахассисларини тақлиф қилган ҳолда семинар-машғулотлар ўтказишдир. Марказда ўтган йили Давлат солиқ бошқармаси ва туман инспекцияларининг малакали мутахассислари иштирокида 40 та ана шундай семинар ташкил этилди. Семинарда марказда тайёрланаётган «Тезкор ахборот» қўлланмалари солиқ тўловчиларга тарқатилди. Солиқ тўловчиларга ахборот-маслаҳат бериш хонасида солиқ қонунчилигига оид чиқарилган ҳужжатларни жамлаган ҳолда маълумотлар бланки мунтазам тўлдирилиб боришмоқда. Шунингдек, солиқ қонунчилигига оид барча меъёрий ҳужжатлар марказда нусха қўйиш мосламаси орқали йўналтирилиб, солиқ тўловчилар ва қўйи солиқ идораларига етказиб турилмоқда.

Сервис марказга мурожаат қилувчи солиқ тўловчиларга амалий ёрдам қўрсатиш, уларнинг муаммолари саволларига тўғри жавоб бериш ва марказ иш самарадорлигини ошириш борасида Давлат солиқ бошқармаси бўлимларининг малакали мутахассисларидан ҳаваал асосида сервис марказида кундалик навбатчилик ташкил этилган.

Юқорида қўрсатилган барча ишлар маҳаллий ва Давлат бюджетига солиқларнинг ўз вақтида тушишида муҳим аҳамиятга эгадир. Энг муҳими, солиқ тўловчиларга қўрсатилаётган барча хизматлар бепул тарзда олиб боришмоқда.

— Солиқ идораси ҳодимларининг малака оширишлари ҳам кўмаклашаёпсизларми?

— Дарҳақиқат, солиқ хизмати шундай соҳаки, у ҳар бир ҳодимдан ўз иш малакасини доимий ошириб боришини талаб этади. Бу борада ҳозир компьютердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Сервис ва ўқув марказларида «Солиқ идоралари ҳодимларини компьютерда ишлашга ўргатиш дастури» асосида Тошкент шаҳар солиқ идоралари ҳодимлари икки ҳафталик, ишга янги қабул қилинган ва шаходат синовидан шартли ўтганлар бир ойлик малака ошириш курсларида ўқитилиб келинмоқда. Ушбу курсларда бошқарманинг малакали мутахассислари машғулот олиб бормоқдалар. Тингловчилар солиқ қонунлари, улар асосида чиқарилган меъёрий ва йўриқномавий ҳужжатлар билан яқиндан танишадилар. Жорий йилнинг июнь ойи бўйича 930 дан ортиқ солиқ идоралари ҳодимлари ўз малакаларини оширдилар.

Бошқарманинг бўлимлари билан биргаликда солиқ қонунларига оид бўлган мавзуларда ҳар ой давомидида «Солиқ мажбурий тўловлар маълумотномаси», «Солиқ тўловчиларга эслатма» ва корхона, ташкilotлар ҳамда якка тартибда меҳнат фаолияти қўрсатувчи тадбиркорларни текшириш тартиби бўйича қатор услубий қўлланмалар тайёрланиб, нашр этилди орқали чоп этирилмоқда. Ушбу қўлланмалар Тошкент шаҳар солиқ идоралари ҳодимларига амалда фойдаланиш учун юборилмоқда. Қўлланмалар солиқ хизмати ҳодимларига текширув ўтказишда ва солиқ тўловчиларнинг саволларига жавоб беришда яқиндан кўмак бермоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

доимий жойи йўқ. Биз якка тартибда фаолият қўрсатувчилар ишига қарши эмасмиз. Аммо бунинг учун уларда тегишли жойдан рухсатнома бўлиши зарур. Шунингдек, бундайларнинг овқат тайёрлаш жойлари кўздан кечирилиши, ўзлари эса табиий қўриқдан вақти-вақти билан ўтиб туришлари керак. Чунки якка тартибда озиқ-овқат ишлаб чиқариб сотувчи шахс бирор юқумли касалликка чалинган бўлса, унинг маҳсулотидан истеъмол қилган қандайдан-қанда одам ҳам азият чекиб қолиши мумкин. Ҳолбуки инсон факат ётиб қолгандагина бемор ҳисобланавермайди. Шундай касаллар борки, улар ҳамма қатори яшаб, ишлаб юра-

СИФАТИГА КИМ КАФОЛАТ БЕРАДИ?

Допларб мавзуда

лигига кафолат йўқ экан, бундай одамлар фаолиятини кўриб чиқишнинг иложи борми?

— Дарҳақиқат, ҳозирда бозорларимизда уйда тайёрланган сомса, хоним, айрон, қимиз, мева шарбатлари, жүжори, қандолат маҳсулотлари билан якка тартибда савдо қилувчилар кўп. Аммо уларнинг фаолияти мавжуд талабларга жавоб бермайди. Биринчидан, бундай маҳсулотлар қачон тайёрлангани хабардорга маълум эмас, ваҳоланки, улар бир кундан ортиқ турса сифати бузилади. Иккинчидан, бозорда бўш пештахталар бўлишига қарамай бундай сотувчилар ўз маҳсулотларини ерга қўйиб, айниқса одамлар ўтадиган жойларда ўтириб сотишади, шунда савдо яхши бўлармиди.

Аммо бизга улар билан муомала қилиш бирмунча қийин. Бизнинг ҳодимлар яқинлашиши билан улар сотаётган молларини (енгил эмасми) олиб, жуфтакни ростлаб қолишади, яъни бундайларнинг

веришади, лекин ўзлари касалликнинг бактерия ва вирусларини тарқатишаётганини билишмайди.

Маълумки, Отчопар бозорига озиқ-овқат маҳсулотларини асосан Тошкент вилоятининг Чиноз ва Янгйўл туманларидан келтириб сотишади. Улар ўзлари яшайдиган жойдаги санитария хизмати назоратидан ўтиб, тегишли ҳужжатга эга бўлишлари ҳам мумкин-ку. Қачонгача биз уларни қувиб жариша солиб юрамиз. Фақат жариша ундирими билан ахволни яхшилаб бўлмайди-ку?

— Бугунги кунда бозорларимизда қовун, тарвуз каби полиз маҳсулотлари кўпайиб қолди. Уларнинг бу қадар барвақт етилгани кўпчиликда шубҳа туғдираётгани ҳам сир эмас...

— Ҳозирда бозорларимиздаги полиз маҳсулотларидаги нитрат ионлари микдори қай даражада экани мунтазам текшириб турилибди. Шу йилнинг ўзида 70 тоннага яқин полиз маҳсулотлари тарки-

бида нитратлар кўп бўлгани ва талабга жавоб бермагани учун савдодан олиб ташланди. Аммо бизни айни пайтда бошқа муаммо ўйлантириб турибди: булар ясама кичик бозорлар, яъни йўл бўйларига, бекатлар яқинида, кўп қаватли уйлар орасида қовун-тарвуз сотаётганлардир. Ахир уларнинг маҳсулотлари сифатини ким текширувдан ўтказишди? Яна бир муаммо — бозорлардаги қичқилдиш ҳақида. Маълумки, полиз маҳсулотларидан пўнқ кўк чиқади. Қовун-тарвузлар таркибидидаги углерод, фруктоза, сахароза каби моддалар касаллик қўзғатувчи микроблар учун яхшигина макон. Ҳаво ҳарорати 25 даражадан 40 даражача иссиқ бўлган шартда ҳар 8 соатда бу қўзғатувчилар икки баробар кўпаяди. Энди тасаввур қилинг, бундай қичқилдиш бозорда бир кун қолиб кетди, бу дегани — айтилди, тарвуз пўнқоғидида тахминан бир миллионга қўзғатувчи 8 миллионгача етди ҳисоб. Бу микроблар пашшалар орқали ён-атрофга тарқалади. Демак, қичқилдиш бозорлардан ҳар кун олиб кетилиши керак.

Бозорларимизда тартиб ўрнатиш учун талабни фақат савдо қилувчиларга қўйвермаслик лозим. Бозор маъмурияти ҳам ўз ишига маъсулият билан ёндошиши зарур. Бугунги кунда пойтахтимизда 59 та бозор бўлса, шуларнинг 26 тасида ичмиллик суви тармоғи йўқ, 20 тасида ветеринария хизмати мавжуд эмас. Паттахтилар эса савдо қилувчилардан фақат пул йиғиш билан овора. Аслида деҳқонларга савдо қилишга шарт-шароит яратиб бериш, маҳсулотларининг яхши сақланишига кўмаклашиш, озодликка риоя қилинишини назорат этиш ҳам шулар зиммасида бўлиши керак. Агар бозорларимизда маҳаллий радиотармоқ ўрнатилиб, у орқали мутахассисларнинг озодлик, турли хасталиклардан сақланиш ҳақидаги маърузалари, суҳбатлари эшиттириб турилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бир сўз билан айтганда, бозорларимизда тартиб ўрнатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.

Озод юртимиз — Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг 6 йиллигини нишонлайдиган кун яқин. Ўтаётган ҳар бир кунимиз эсда қоларли ютуқлар, ажойиб воқеаларга бой бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон радиоси эшиттиришлари илк бор ҳаво мавжларига таралганига 70 йил, унинг етакчи тармоқларидан бири — хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси ташкил этилганига 50 йил тўғрисида. Дастлаб эшиттиришлар атиги икки-уч хорижий тилда олиб борилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, жами ўн икки тилда эшиттиришлар ҳаво мавжларига узатилмоқда.

Ўзбекистон радиоси «Мустақил Ўзбекистон овозини дунё тинглайди» мавзуда танлов эълон қилгани беҳиз эмас. Танловга радиотингловчиларимиздан жуда кўплаб хатлар келаётди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, хорижий элларда республикамизнинг ўзи танлаган истиқлол ва тараққиёт, демократия ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб бораётган сиёсати, иқтисодий ислохотлари, маънавият ва маданияти, та-

риклиман. Уларга барча яхши тилакларимни изҳор этаман, мен Сизлар билан доим биргаман, деб яқунлайди ўз мактубини жаноб Гудат. «...1994 йилнинг ёзида, эшиттиришларингиздан бирини тасодифан тинглаб қолдим-у, дарҳол Сизлар биринчи мактубимни ёзиб жўнатдим, — дея ҳикоя қилади Германиядан танловга хат йўллаган жаноб Мартин Броше. — Орадан кўп ўтмай Сизлардан жавоб мактуби олдим. Шу-шу эшиттиришларингизни мунтазам тинглаб борадиган бўлдим. Сизлар тингловчиларга тақдим қилаётган хабарлар, шарҳлар, миллий анъаналар ҳақидаги ҳикояларингизни севиб эшитаман. «Хайрли кеч, Оврупо!» ахборот-мусиқий дастури халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлса, радиотингловчилар мактублари асосида тайёрланган «Бизга ёздилар» эшиттириши эса тингловчининг шахсий фикр-мулоҳазаларини акс эттириши билан эътиборга лойиқдир. Хуллас, Сизлар мустақил юртингиз ҳақида шу қадар қизиқарли эшиттиришлар тайёрлаётганингиздан беҳад мамнунимиз».

Гебезее (Германия)лик Хелмут Лессернинг мактуби ҳам бизда қизиқш ыйғотди. «Мен Тошкент радиоси эшиттиришларини 1990 йилдан буён эшитиб келаман, — деб ёзади у танлов саволларига жавоб бераётган. — Уларда ёритилаётган барча мавзулар мен учун бирдек қизиқарли: маданият, сиёсат, иқтисодий, экология, мусиқа, спорт, урф-одатлар, меъморчилик, пазандлик санъати, ёшлар мавзуси, ташқи сиёсат ва ҳоказо».

Германиялик ҳамкасбимиз, радиожурналист жаноб Людвиг Вольфганг Шранер ҳам тахририятимизга йўллаган мактубида радиозахиротларимиз хусусида тўхталиб, уларнинг тингловчилари ўртасидаги дўстона алоқаларда халқларни бир-бири билан боғловчи восита» эканлигини таъкидлайди. Ваттеншайд (Германия)лик тингловчимиз Петер Найдя: «...Мен Тошкент радиоси эшиттиришларини Ўзбекистон ҳаёти ҳақида янада кўпроқ нарсани билиш мақсидида мунтазам тинглаб бораман» деб ёзибди.

Велберт (Германия) шахридан хат йўллаган яна бир тингловчимиз танлов иштирокчиси жаноб Ханс Иоахим Пиелхофф шундай фикрларни изҳор қилган: «...Халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамлашишида Тошкент радиосининг жуда катта roli бор. Тингловчилар Тошкент радиоси эшиттиришлари орқали шу юрт, унинг одамлари, тарихи ва маданияти ҳақида билиш олади». Жаноб Пиелхофф ўз мактубида Тошкент радиоси томонидан 1986 йил сентябрда берилган клуб аъзоллиги ҳақидаги гувоҳномасини ҳам илова қилган.

Ўтган йилги танловимиз голиби, Хайденхайм (Германия)лик фаол тингловчимиз Эрвин Винтер Тошкент радиоси билан олиб бораётган кўп йиллик алоқалари ҳақида тўққизинчи ёзади: «Тошкент радиоси билан бўлган алоқаларимиз мана, ўттиз йилдирки, муваффақиятли давом этиб келмоқда. Тошкент радиоси Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишишимизда бирдан-бир ягона манба бўлиб хизмат қилмоқда».

«Ассалом, Тошкент радиоси ижодкорлари! Энг аввало, Сизларни Тошкент радиоси тўққизинчи хорижий тилларда эшиттиришлар тарала бошлаганининг элли йиллиги билан самимий муборакбод этаман, дея бошлабди ўз мактубини Шваб-хаузен (Германия)да яшовчи тингловчимиз Уве Зенневалд. — Эшиттиришларингиз хусусида тўхта-

ладиган бўлсам, мусиқий дастурларингизни севиб тинглайман. Гарчи тилни тушунмасамда, қўшиқларингиз менга ҳузур бахш этади». Жаноб Зенневалд ўз мактубида шунингдек, тугилиб ўсган қишлоғи Швабхаузен, Тюрингия ўлкаси ва унинг ҳудудидagi Ваксенбург, Мюлбург, Вартбург, Вандерслебер Глайхе, Фриденштайн сингари қаср ва қалъалар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Танловга хат йўллаган яна бир тингловчимиз, Насков (Дания)лик Ханс Фернер Лоллике мактубида: «Тошкент радиоси эшиттиришлари шунинг учун ҳам аҳамиятлики, улар орқали Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти мавжуддир», деб ёзади.

Биз радио танловимизга мактуб йўллаб, ишторак этганликларини учун барча мактуб эгаларига миннатдорчилик билдирамиз.

Мирзаали АКБАРОВ,
Ўзбекистон радиоси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг немис тилида радиозахиротлар тахририяти раҳбари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ бўлимида жаҳон миқёсида турли мамлакатларнинг оналари ва болаларини соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш, оғир дамларда моддий ва маънавий ёрдам қўратишдек эзгу вазифаларни амалга оширади. Дунёнинг жуда кўп давлатлари каби Ўзбекистон ҳам ЮНИСЕФ билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳақда ташкилотнинг мамлакатимиздаги вакили жаноб Хана Гетнер жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон мустақил

давлат сифатида жаҳон майдонига чиқаётган илк давлардаёқ раҳбариятининг эълонлари ва болаларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор бераётганини яхши сезган эдик, — деб сўзини бошлади жаноб Гетнер. — Бугунги кунда биз Ўзбекистонда шахсан Президентнинг ҳамда ҳукуматнинг аёлларга ва айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга қанчалар катта эътибор, ғамхўрлик билан қараётганликлари кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши муносабатларини ривожлантириш жуда осон кечмоқда.

Шуни айтиб ўтишим керакки, ташкилотимиз ўз-

ЭЗГУ ФАОЛИЯТ

бекистон ҳукумати билан ҳамкорликка қаратилган бир қанча муҳим шартномаларни имзолаган. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг жаноб Исроҳонимов бизнинг болалар ҳуқуқларини тўғрисидаги конвенцияни имзолаган ҳамда бу ҳужжат Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган. Бир сўз билан айтганда ЮНИСЕФ билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар самарали ривожланиб келмоқда. Бу ривожланишнинг суръатига мен юқори баҳо бераман.

ЮНИСЕФнинг Ўзбеки-

стонда болалар касалликлари қарши эмлаш бора-борида ишлари икки томон ҳамкорлигида муваффақиятли амалга ошган лойиҳалардан саналади. ЮНИСЕФ ташаббуси билан 1994-95 йилларда Ўзбекистонда болаларнинг ҳавфли ҳасталиклари — фалаж,

Шунингдек, Орол денгизи атрофида жойлашган ҳудудлар, асосан Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биз ноёб доридормонлар етказиб бермоқдамиз. Бу минтақадаги ноҳус экологик вазият биринчи галда болалар ва оналарга салбий таъсир кўрсатмоқда. ЮНИСЕФ мутахассислари инсон саломатлигига ана шундай салбий таъсирларни бартараф этишга қаратилган дорилар, тиббий ускуналар, шунингдек, маслаҳатлар билан Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим керакки, ЮНИСЕФ нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки Туркменистоннинг Тошкент, Қозғистоннинг Қизил ўрда ҳудудларидаги аҳолига ҳам ёрдам кўрсатиб, бутун Орол атрофидаги минтақаларда ўзининг эзгу фаолиятини олиб бормоқда.

Ҳайрулло НУРИДДИНОВ
ёзиб олди.



Ёз — ҳордиқ чиқарадиган палла. Бундай пайтларда айниқса шахримиздаги истироҳат масканлари кишини ўз бағрига чорлайди. Юнусобод туманидаги «Тошкентленд» боғи ана шундай гўшалардан.

Муҳаммад Амин олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ўбай Орифов номидаги Электроника илмий-тадқиқот институти олимлари пахтанинг физикавий хоссаларини ўрганишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Институтнинг илмий ишлар бўйича директор уринбосари, амалий физика тажрибахонаси мудири Тўлқин Зокиров биз билан суҳбатда шундай деди:

— Илмнинг асосий вазифаларидан бири амалий изланишлар олиб бориш билан халқ ҳужалигини ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Институтимизда ўнлаб ихтиролар қилиниб, шулардан кўпчилигининг лицензияларини жаҳоннинг тараққий қилган давлатларига (Япония, Швейцария, АКШ ва бошқалар) сотилди. Айни пайтда пахтачиликни ривожлантириш борасида ҳам муваффақиятларга эришмоқда.

Бугунги кунда йиғириш учун ишлатиладиган пахта толаси жами пахтанинг бор-йўғи 30-34 фоизини ташкил қилади. Яқин пайтларга қадар пахта толаси олингандан кейин ҳам чигитда яна 10-12 фоиз қалта тола — лент қоларди. Пахта заводлари ва чигитдан ёғ олувчи заводлар қўшимча ишлов бериш билан чигитдан яна 4-5 фоиз лентни олаётганлар. Барибир уруғлик чигитларда яна 7-8 фоиз лент қолиб кетаяпти. Бу — катта хом ашё ресурсидир. Туксизланмаган уруғлик чигитни экиш пайтида бир жойга 15-20 донадан

Фан УРУҒЛИКНИ САРАПОВЧИ МОСПАМАРА

чигит тушади, туксизлан-тирилган чигитдан эса 3-5 та тушади ва қўшимча ятаналашга ҳожат қолмайди.

Бугунги кунда илмий ҳодим Фойр Абдурашидов тажрибахонасида чигитни туксизлантирувчи машина ихтиро қилибди ва бу машиналар ҳозирда амалиётда ишлатиб келинмоқда. Бу машина уруғлик чигитни тўла туксизлантиради, яъни уруғларда атиги 1-2 фоиз қалта тола — лент қоларди. Агар биз туксизлан-тирилмаган чигитдан эҳ-сас, бир гектарга 90-100 килограмм уруғлик сарф бўлади, туксизланган уруғликдан эса бир гектарга атиги 19-20 килограмм уруғлик сарфланади. Бундан кўриниб турибдики, фақат туксизлан-тирилган уруғлик чигитни экиш самарали.

Илмий ҳодим Вохид Тўйчиев кўп йиллардан бери чигитни саралаш устида ишлаб, махсус дастгоҳ яратди ва бу дастгоҳлар республикамиз пахта заводларида ишлатилмоқда. Агар чигит туксизлантирилиб, саралаб экилса уруғларнинг 67-68 фоизи текис униб чиқади, пахта ҳосилдорлиги гектарига 3-3,2 центнерга ошади, меҳнат сарфи анча камаяди. Катта илмий ҳодим, физика-математика фанлари номзоди Виктор Крам-лев экиладиган уруғлик чигитнинг фақат сифатли бўлиши устида ишлаб, рентген-телевизион мос-лама яратди. У экилади-ган уруғлигининг мағзи тў-лаллиги, соғломлиги, кат-та-кичиклигини телеви-зор экранидан кўриб, уруғлик чигитнинг фақат соғломлиги ажратишга имкон беради. Бу мосла-ма асосида барча турда-ги уруғлик чигитни тек-шириш мумкин.

Бундан ташқари у қи-лоқ ҳужалигининг барча маданий экинлари уруғ-ларини текшира олади. Бу усул ҳозирда ишлати-б келинаётган барча усул-лардан энг ишончлиси-дир. Ушбу тадқиқотлар натижаси келажакда рес-публикамизга миллион-лаб сўм фойда келтира-ди.

Илҳом
ШЕРМУХАМЕДОВ.

Ландовур одамни жуда ёмон қўраман. Кўчаларда юрганда, метрога ўтирганда ҳам кексаларга жой бе-риб, яна шунча ҳўмнат қилгани ет-магандек.

— Отаҳон, марҳамат ўтиринг. Сиз-нинг ёшнингизга етайлик, — деганига ўлайми. Сенга у чолдан нима фой-да? Ундан кўра ўз ҳўзур-халоватини-ни ўйла. Бу ҳажимятда ҳамма ўзини ўйлайди. Ойим айтганидек «шуст-рий» бўлиш керак. Ушандagina омад-чопади.

Ойим ҳам зап аёл-да, доимо им-портча кийнади. Уйимизда турфа хилли кийим-кечаларнинг сон-саног-и йўқ, мабодо уйимизда тижорат дў-кони очсак, ойимнинг шу кийимла-рини сотиб, қашшоқ киши бой да-ражасига чиқади.

Хали уйимизни, ҳовлимизни айт-ганим йўқ, иккита «Волга»миз бор-лигини эшитсаларингиз оғзиларингиз очилиб қолса керак. Хонамда шах-сий видеомагнитофон, кассетларар эса тур-тури билан топилади. Адам бирам ландовурки. Тўғри, кўп пўл то-пишига сўз йўқ, бироқ жуда бечора сифат кийиниши, жимгина юриши... Ахир одам деган қоматини кериб, ат-рофга виқор билан назар солмайди-ми. Ҳоҳида ишдан келгунча қари чо-ларни машинага солиб юрадими-ей... Ҳайрон қоламан, ўзи базанинг ди-ректори бўлса...

Адамнинг келиб чиқиши асли қиш-лоқдан экан. Шаҳарга келиб инсти-тутни битказибди. Ўша пайтлар Нур-хон деган онани қишлоқда яшаб, ўг-лига ёрдам бериб тураркан. Адам ишга жойлашгандан сўнг онасини шаҳарга қўчириб олиб келибди. Сўнг эса замонавий аёл деб макталган онамга ўлибди. Ниҳоят каммина-ю камтарини дунёга келибди. Ўша пайт-дан бошлаб жанжал авж олгандан олибди. Қишлоқдан келган аёллар мени бешикда тарбиялашди дейи-шбди, ойим эса уларнинг фикрини рад этибди. Сўнг эса қишлоққа бў-вим билан ойимнинг ўртасида чу-қур ҳар пайдо бўлибди. Ойим гапга чечан эмасми, дарров буювчининг ти-лини тишлатиб қўйибди. Хар кеч адамга шикоят қилиб, кампирни қиш-лоққаи ёки қариялар уйига ташлаб келишга ундай бошлабди.

Хотирамдан ўчмай қолгани бешик-дан кун бўлди. Ойим кечкурун қар-дан келди-да, ҳатто саломни ҳам унутиб ертўлада тимиришлани бош-ладди. Адам иккимиз нонушта қилаёт-гандик. Адам ҳайрон қолди: — Наргизахон, яна қанақа камчи-лик чибди қолди? — деб сўради.

— Анаву, ер ютгур бешик қаерда? — Ертўланнинг бурчагида, — деди адам аниқ қилиб, сўнгра: — нима қи-ласан? — деб сўради.

— Ҳозир, — ойим бироз вақтдан сўнг чанг босиб қолган бешикни кў-тариб чиқди. — Мана, ниҳоят топ-дим, — деб қансираб.

— Нима қилдикансиз? — сўради адам. — Сарвар вояга етди-ку, ё би-ро-бир кишига совға қилмоқчимсан.

Негадир авзоий бузулди ойимни-нг.

— Нима қилардим, ёқиб юбораман, — деди заҳид билан, — эскилик сар-қити-ку, бу ахир.

— Нима... нима дединг, ахир мен вояга етганман-ку? — деди адам, қал-тираб.

— Вояга етган бўлсангиз, етибсиз.

Агар ёқилса йўл кўймасангиз бош-лиқларингизга айтман, — деди.

Адам бошлиқлар сўзини эшитди-ю дарров бўлашиб қолди. Ўша пайтда негадир адамга жуда раҳиман келди. Мунгли кўзларида оғир дард зоҳир эди. У паллалар ёш бола эмасмидим, бешикнинг шиқирлашига қулоқ тутиб, ойимнинг ортидан эргашиб қолиб бордим. Уйимизнинг шундоқ чеккаси-да каттақон яёдоқ бор эди. Ойим ўша ерга бешикни олиб чиқди-да, ўт қўйди. Бешик қўрққ эмасми лопиллаб кетди. Уйноқи ўт зулматни ямлаб, ло-вилларди. Чирсиллаган овозлар осу-да тўн қўйида машъум овоз тара-тарди. Мен ёнаётган бешикни томо-ша қилиб, ҳийла палла яйраб ўйна-дим.

Лекин уйиндан кўра ўша кечанинг антика тонги мимизда ўчмас муҳр бў-лади қолди. Тушимда эмиш: «ўзоқдан оловга кўз тикиб оқсуда оқшом нақ-дар тароватли, юлдузларга тўла қо-ронгу зулмат қаёри бениҳоя гўзал, айни чоғда қанақадир сирли эди. Ёнаётган бешикка қараш, дилимда гу-либ ўйготарди. Бешиқтер адам бешик-инида қўйиб бораётгандек бўлди. Сўнг ўзим ҳам сезмай инграб юборибди, — адахон». Сўнг кимдир биров бошимни майин силлаганини элас-элас-элас тилирдим. Ўша чоғлар, мен адамни шунчалик яхши кўрардимки... Эртаси кун қўзлар қўзариб кетган ойим би-лан дадамни кўриб ҳайрон қолдим. Мен қароватда, бошимга ҳўл доқа бостирилган ҳолатда ётар эдим. Адам эса одатча юзимга мунгли термулиб ўтиб ўтирибди. Ойимнинг кўзлари қи-зариб шишиб кетган, афтидан кўп йилгандан бўлса керак, ҳамон юзлари-да ёш излари бор эди.

— Ада, бешикда сиз ёнадингиз-а? — дедим.

Адам «йўк» дегандек бош ирғади-да, ойимга маъноли қараб қўйди. Адамни тирик қўриб шунчалик ҳурса-нд бўлиб кетгандим...

Бу кунга келиб эса адамга нисба-тан нафратта тўлганман. Бўшанг ода-ми кўрсам негадир жадим чиқади. Айниқса, ойимнинг бир оғиз буйруғи-га рози бўлиб, мусича сингари ишга кетиши, кечкурун эса лом-мим демас-дан, миққ этмай қароватга қўйибди, уйкуга кетиши, албатта, галати эди. Гўё адамнинг ич-ичини нимадир ти-раётгандек, виждон азобида гўё хаёл-лардан қутулмолаётгандек туюларди. Бир кун адамнинг галати ҳолатда уч-ратдим. Ўз кўзимга ишонмасдим: адам йиғлаётгандилар...

Кичкинача, кўримсиз бир ҳужра-миз бор эди. Деворларига бир мунча бейҳўш гуллар солинган, қўпол то-боқлар ўрнатилган, турда эса эски қароват ҳазин гиричлалар, шундоқ ҳам ҳунук ҳўжрага кўримсиз манзара бе-

Соя-салқин кўчада уч бола кетиб борардик. Ўртоқларим мени хали илк марта ўзим билолмаган, лекин кела-жамини тамоман бошқа йўлга буриб юборадиган манзилга бошқаб борар-ди. Уларнинг «сир» деб айтишмаган манзили каттақон дарвоза қарши-сига келганди ошкор бўлди.

— Эй, й... мени қариялар уйига бошлаб келдингларми?...

— «Зарафшон» ресторанига бош-лаб боришимиз керакмиди? — бақ-лоқ дўстим Рауф одатича бейҳўш тўнғиллади.

Биз даряхтлар йўлак чеккасига қа-тор экилган соя-салқин сўқмоқдан то-бора ичкарига кириб бордик. Сало-батли кийо, чор атрофида эса оппоқ ҳалат бинго, қариялар узуқсиз қатнаб турибди. Ўртоқларим мени боғнинг ичкарисига бошлашди. Кат-тақон арча, қарағайлар тағддан ўтиб, кенг, озодагина майдонга чиқдик. Қа-тор стол-стуллар тизилган салқин,

Наср

ЁНГАН БЕШИК

(Ҳикоя)

рарди. Ойимнинг айтишича у ҳўж-рада буюм яшаган экан, кейинчалик бу-йим кетиб, қаровисизликдан шу ҳола-тга тушган. Адам эса турдаги қароват-га ўтириб қанақадир расмага тикилиб, овозсиз йиғларди... Ёлкалари силки-ниб-силкиниб ўниси йиғлар, расмда-ли номаълум кишининг юз-қўзларини озорсиз сийпаларди. Бешиқтер томо-ғимга нимадир тикилганини, менинг ҳам кўзларимда ёш сизиб чиққанини ҳис этдим. Айни чоғда адамнинг ёл-каларини, юзларини силаб опатим келар, лекин қанақадир куч мени ту-тиб турарди. Ўша кун адамни ойим иккаламиз яққалаб қўйганимизни аниқ идрок этдим. Мен каттарган сайним адамдан кўнглим қўлиб, онамнинг бўлиб билан айтганда «замонавий» бўлиб бораётган эдим, бироқ бир во-қеа менинг ҳаётимни тамоман ўзгар-тириб, бошқа йўлга солиб юборди. Ўша воқеадан кейин оламда меҳр, оқибат борлигини, инсонлар дилида шайфат борлигини аниқ идрок этдим.

хилват гўшада, ёлғиз, сочлари оқа-ди кетганидан қўриниши эртақлар-даги кампирларни эслатадиган сак-сон ёшлардаги кампир уйга толиб ўти-рарди. Кампир шунчалик мункайиб қолган эдикки, зўрга қоматини тутиб турганга ўхшарди. Лекин кўзлари ал-лақанди меҳрибон боқаётган бу кам-пирнинг таниши кўринаяётганини идрок этиб ҳайрон қолдим.

— Ассалому алайкум, буювжон... — биз салом бердик.

Кампир бизларга эътибор бериб, чехрамизга оналарча назар солар экан, менга келганда нигоҳи тўхтаб, юзюзда тушуниб бўлмас аломатлар зо-ҳир бўлди. Шуниси ҳайрон қоларли-ки, дабдурустдан негадир кўзига ёш қўйилиб мен томонга кўлларини ил-тихоли чўздим:

— Вой... болам, кел... кел... мана бу ерга келинг...

Мен қизарибди кампирнинг ёнига яқинлашдим. — Қошлари ҳудди ўзи-я... тушимга

киргани рост экан... кўнглим бекорга сезмаган экан... — деб ўз майлича шивирлай бошлади кампир. Сўнг юзимга узоқ тикилиб қолди. Бу нуро-ни кўзлар замирида олам-олам дар-д, ҳаётнинг аччиқ-чўчқуғини татиган инсон меҳри мўжассам эди. Аҳин бо-сан юзлариди ҳам тасвирлашга қалам охижлик қиладиган тароват уфурди турарди. Ҳа, сирли, меҳрибонлик маъбудаси сингари сирли кампир эди. Кампир чехрамга тўйиб-тўйиб тики-ларди. Неча йиллардан бери даргда айланган ўз ўтмишини бизга ҳикоя қи-ла бошлади. Бизга эртақ айтмасди бу она, ўғил, келин ҳақидаги оддий, айни чоғда ниҳоятда мароқли афсо-салар сингари ғаройиб қисса эди. Ун-да ўғил онасини келинининг талаби би-лан узоқ ерга ташлаб келгани, кейин-чалик эса фарзанди вояга етиб, худ-дат отаси бажарган ишни бажармоқчи бўлганда, ўша кампир томонидан не-варасини эртақлар оламига бошла-ган ҳақида эди. Эртақ тугаганда ҳам ҳаммамиз аллақандай илоҳий қудрат чангалида, инон-ихтиёримиздан тамо-ман айрилган аллозда қотиб туриб қолгандик.

— Неवारаларим... Сарваржон... бо-рақолнинглар уйга... Ойижоннинглар ку-тиб қолишди.

Бизлар кўзголишдик. Кампир ҳайр маъносига бош ирғади. Мен уйига қаддрол ҳовли остонасидан хатла-ганимда, қоронғи тушиб зулмат олами бутун хонадонни қарғига ютганди. Не-гадир адамни қўрқини жуда-жуда ҳо-қлардим, гўё эртақ тасвирини ҳўнбўш-га келган қалбим, ёддан чиқариб, худ-ди буюмдек қадри йўқолган одамни менга қайта эслатгандек бўлди. Адам ёнган ҳўжра деразасидан ичкарига мў-раладим, хона тинч, одатдаги буюм-лар салобатли қоматини кериб, хона қўрқини очиб юборган.

Негадир кўзимга ёш келганини, адамнинг овозини эшитиш иштиёқи пайдо бўлганини, айни вақтда боғи кампирни адамга айтиб, кўнглини кў-тариш орсуси пайдо бўлганини ҳис этдим. Эшик табақасини авайлаб иттирдим, ҳазин гижирлаб очилган эшик беиҳтиёр адамнинг диққатини тортиди, китобдан бошини кўтариб, ме-ни кўриб ҳайрон қолди.

— Келинг, Сарварбойи... — адам фа-қат ўзига ёқмаган кишиларини санаб-лар эди. — Келинг... келинг тортин-манг...

— Ада... — Мен ғалирломай бир зум бўлашиб қолдим. Сўнг адамнинг кўзига боқдим... — Ада... бир буви сизга салом деб юборди.

— Саломат бўлсин... Нега туриб

қолдингиз, келинг... — Мен адам кўрсатган жойга яхшилаб жойлашиб олдим. — Барақалла... Ана энди айтинг... у буви ким экан?

Мен «билмайман» дегандек елка қисдим. Сўнг хиёл дадиллашиб қар-иялар уйда уч

ИБРАТНОМА

СУҚРОТ ҲАКИМ
ЎГИТЛАРИ

- Ҳақиқатни ўзингдан излагин.
- Ҳар қандай ёмонликнинг илдизи нодонликдир.
- Нафс лаззати нобуд қилади, руҳ лаззати юксаклик олиб боради.
- Дунёни силжитишни истаган инсон, аввало ўзини силжити олин.
- Ҳеч қачон меъёрдан ташқарига чиқма.
- Кимнинг неча қўйи борлигини эмас, неча дўсти борлигини бил.
- Пуlining микдорини ўлчаб эмас, савоб ишларинини ўлчаб яша.
- Оқиллар ўз шаънига доғ тушмаслиги учун, нодонлар ақлини тарбиялаш учун қалб кўзгусига тез-тез боқиб туриши керак.
- Аёл кишида ҳусну малохат, эркак кишида ақлу заковат, ишбилармонлик қадрланади.
- Биз ҳирсдан, нафсдан қанчалик узоқлашсак, шу даражада ҳақиқатга яқинлашиб бораверамиз.

Бахриддин МАҚСУД
ўғли тайёрлади.

Акмал Икромов тумани худудига жойлашган «Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмасига қарашли «Трамвайчи» болалар оромгоҳи шу кунларда фарзандларининг қувноқ кулгулар билан тўлган. Оромгоҳ йўлчилари озодалиги, саранжом-саришталлиги билан кўзни қувнатади. Бу ерда болаларнинг кўнглини дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Бу йилги дам олиш мавсуми уч босқичдан иборатдир, — дейди оромгоҳ директори Абдунаби Тўракулов. — Биринчи босқичда 400 нафар бола дам олди. Иккинчи босқичда ҳам 400 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар мароқли ҳордик чикарди. Мана энди болаларнинг учинчи босқичдаги дам олишлари бошланган даяпти.

Маълумки, бизнинг оромгоҳимиз санаторий усулига ихтисослашган. Шу сабабли дам олувчиларга кунига тўрт маҳал иссиқ овқат

ТАЪТЛ

ОРОМГОҲ
БАҒРИДА

ва икки маҳал шарбатлар ҳамда ҳўл мевадар бермоқдамиз. Оромгоҳимизга ота-ли қўлаётган «Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмаси барча шарт-шароитларни яратиб берапти. Шунинг билан керакки, оромгоҳимиз худудига 1,5 гектарли мева-ли боғимиз ҳам бор. У ердаги мевали дарактлар ҳозир фарқ ҳосилга кирган.

Сўхбатга оромгоҳнинг бош етакчиси — тажрибали мураббий Лола Абдулазизова қўшилди. У бу ерда болалар қизиқиши ва руҳиятига мос қилиб тузилган тўрақлар ҳақида, дам олувчилар ўртасида олиб борилаётган турли мусобақалар ҳақида, спорт беллашувлари тўғрисида сўзлаб берди.

Дарҳақиқат, бу ердаги спорт майдончалари ва сув ҳавзаси доимо болалар билан гавжум. Бир сўз билан айтганда болалар бу ерда ҳам ёзги таътилни ўтказиб, ҳам соғлиқларини тиклаб мароқли ҳордик чикармоқдалар. Оромгоҳнинг Ойдин Саидқозиева, Зулайхо Ҳасанова, Ҳадия Бобоева, Муниса Солибова, Зарина Пирназарова, Албина Муҳиддинова сингари тарбиячилари ва ёш етакчилари улар атрофида парвона бўлишмоқда.

Нусрат ЖУМАЕВ.

Олий лига жамоалари дастлабки довоғига етиб келишди. Биринчи даврада 152 та учрашув ўтказилди. Сўнгги ўйин эса кеча МХСК — «Дўстлик» жамоалари ўртасида бўлди. Дастлабки ҳулосалар билан ўртоқлашиш фурсати етди.

Ўтказилган 152 учрашувнинг 87 тасида меҳмонларнинг қўли баланд келди, 29 учрашувда дурағи натижа қайд этилди, 36 бор эса меҳмонлар ғалаба наҳидасини сўришди. Дарвозаларга жами 470 тўп киритилди. Шуларнинг 299 таси майдон эгалари, 171 таси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Чемпионат арасида биз пойтахт жамоаларининг иккинчилари «Навбаҳор» МХСК юксак натижаларни кўзлашга ҳақли эканлигини таҳмин этгандик. Аммо энг зўр билаларини ҳар армиячилар кетма-кет рекордларни бўйсундириб, биринчи даврада биронта ҳам очко йўқотмаслигини айтиши мушкул эди. МХСК ана шу қўтилмаган мўъжизани ярата олди. 16 учрашувнинг барчасида майдонни мағрур тарк этди. Чемпионат давомида улар етти бор ўйинда ютқазаётди, охири-охирида муваффақиятга элтувчи тўпларни киритишга эришдилар. Бу «Хоразм» — 3:1 (0:1), «Нефтчи» — 3:2 (0:1), «Сўғдиёна» — 3:1 (0:1), «Афросиёб» — 5:1 (0:1), «Янгир» — 3:1 (0:1), «Пахтакор» — 2:1 (0:1), «Навбаҳор» — 4:1 (0:1) жамоалари билан учрашувларда содир бўлди. Маълумки ҳар мавсумдан сўнг айнан шундай муваффақият қозонган жамоага «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини берилади. Ўтган мавсумда ҳам бу мукофот МХСКга насиб этганди. Ушанда армиячилар бутун мавсум давомида бешта шундай ғалабани қўлга киритишганди. Бу йил эса биринчи даврадаёқ 7 очко» тўпланди. Демак, бу соврин бу йил ҳам бегонага кетиши даргумон. Умуман ғалабани муҳлислар, мутахассис ва муҳбирлар омадга кўпроқ йўйишадди. Омад ҳам керак. Бирок ғалабага элтувчи энг тўғри йўл бу меҳнатдир. МХСК футболчилари, мураббийлари, қолаверса клуб раҳбарлари буни яхши тушунишадди. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир ўйинга пухта ҳозирлик қўришадди. Машғулотида ортиқча тер тўкишдан ўзларини тийишмайдди. Бу эса ғалабаларга замин яратмоқда.

Яна бир асосий омиллардан бири Мудофаа вазирлиги раҳбарларининг МХСКга барча зарур шароитларни яратиб бераётганлиги, умуман футболимиз гуркираб ривожланишига ҳайрихоҳлиги билан изоҳланади. Ойласидан, машғулотида кўнгли тўқ бўлган футболчилар йўнашдан, ўз маҳоратини намойиш этишдан бошқа иш қолмайдди. МХСК ҳам амалда шунини исботлаётган.

Биринчи даврада МХСКни тўхтатиб қолдиган жамоа топилмади. Ҳатто ўз майдонда рақибига қамдан-кам очко улашадиган, мағлубият нималигини билмайдиган «Нефтчи» ҳам Фарғонада бош эгди. Ўтган йили тўққизта бўлиб ўйнашга қарамасдан МХСКни мағлубиятга учрата билган «Пахтакор» ўз майдонда мағлубият аламини чекди. Ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбаҳор» Тошкентга катта иштиёқ билан

келганди. Ҳисобни ҳам наманганликлар очишга эришишди. Лекин йирик мағлубиятдан қутулиб қолмади. Қолган жамоалар хусусида гапирмаса ҳам бўлади, фақатгина «Чилонзор»дан ташқари. «Чилонзор» ҳақида эса мақоламиз сўнггида бафуржа тўхталамиз.

МХСК таркибига назар ташласангиз, отилиб чиққан юлдузларга кўзингиз тушмайди. Тўғри, Ҳасанов, Раҳмонқулов, Усмонқўжаев, Қурбанов, Ивангородский, Буров, Давлетов номлари анча илгарироқ тилга тушганди. Аммо улар чемпионлиқни таъминлай олишини қўлга олишимиз рост. Бозоров, Мақсудов,

МХСКнинг барча чизикларида тенг кучли ўйинчилар тўпланишган. Ҳар қандай вазиятда уларнинг ўрнини эгаллайдиган ўринбосарлар ҳам етарли. Фақатгина дарвозабонлар масаласида бироз ўйлаиб фикр юритамиз. Сабаби МХСКдаги ҳар иккала дарвозабон ҳам баъзи учрашувларда жуда оддий тўпларни ўтказиб юбориши шундай ҳулосага олиб келмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам МХСК — биринчи довоғида забт этди. Чемпионатларимиз тарихидан шу нарса аёнки, биринчи давра ғолиби мавсум якунида ҳам чемпионлиқни бошқага бермаган.

Энди пойтахтимизнинг қолган уч жамоаси

ФУТБОЛ

МУТПАҚ ПЕШҚАДАМ ВА
УНИНГ РАҚИБЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон VI миллий чемпионати олий лига командаларининг биринчи даврадаги ўйинлари хусусида



VI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНИЙ ҲАВДАЛИ

	Ҳ	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. МХСК	16	16	0	0	53-15	48
2. «Нефтчи»	17	13	2	2	53-18	41
3. «Дўстлик»	16	11	4	1	33-15	37
4. «Навбаҳор»	17	10	4	3	42-19	34
5. «Пахтакор»	17	9	5	3	28-13	32
6. «Бухоро»	17	8	1	8	24-26	25
7. «Сўғдиёна»	17	8	1	8	22-25	25
8. «Трактор»	17	6	5	6	23-23	23
9. «Афросиёб»	17	5	4	8	16-22	19
10. «Косонсой»	17	6	1	10	14-29	19
11. «Насаф»	17	4	6	7	23-28	18
12. «Зарафшон»	17	5	3	9	25-31	18
13. «Андижон»	17	5	2	10	25-37	17
14. «Атласчи»	17	5	2	10	17-31	17
15. «Хоразм»	17	4	3	10	21-42	15
16. «Чилонзор»	17	4	2	11	16-26	14
17. «Сурхон»	17	3	5	9	14-36	14
18. «Янгир»	17	3	4	10	21-34	13

Бугало, Абдураимов, Федоров, Мамотов, Шарипов, Лебедев, Атоянларнинг ўз жамоаларини юксак чўққилар сари қандай тартида олганлигига қўйикан муҳлис ҳам армиячиларга ишонқирамай назар ташлаган бўлиши табиий. МХСК эса барча шубҳаларга барҳам берди, туманли тахминларни таркати. Нўмон Ҳасанов чемпионатимиз тўпурагига айланди. 16 учрашувда рақибларни дарвозасига 17 тўп киритди. Армиячиларнинг тўққиз нафар ўйинчиси мамлакат тарма жамоасига номзод бўлди. Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари биринчи босқичда мамлакатимиз тарма командаси муваффақиятга муносиб ҳисса қўйишди.

си хусусида. Тўғриси дастлабки 10 турга пахтакорчилар мағлубиятга учрамай, 40 йиллик байрамни қўтарики қайфиятда нишонлашди. Муҳлислар, «Пахтакор» ўйинини топди шекилли, деб хурсанд бўлишди. Аммо қувонч Косонсойдаги ўйингача давом этди. «Пахтакор» худди ўтган йилдагидек «Косонсой»га ўйинни «бой» берди. Кейин Қарши қаршилигини енгишолмади. Ўз майдонда МХСКни ютаётди, пировардида мағлубиятга учради. Хуллас «Пахтакор» ҳақидаги тасаввур, ҳулоса иккиёқлама бўлиб қолди. Фақатгина биринчи давранинг сўнгги икки турида яна «Пахтакор» ўзи ҳақида гапирмишга мажбур этди. Тошкентда «Нефтчи»ни сўзсиз тас-

лим этди. Сўнгга Жиззахда «Сўғдиёна»дан устун келди.

Биз жамоа мураббийлари билан сўхбатлашганимизда «Пахтакор» иккинчи даврада муҳлисларини ҳушнуд этишини, «Нефтчи»га қарши кўрсатилган ўйин доимийга айланишига сўз беришди. Шунингдек жамоа таркибиде баъзи ўзгаришлар бўлиши ҳам қўтилмоқда.

Тошкентнинг яна бир тажрибали жамоаси «Трактор» курашчанлиги, сўнгги дақиқагача рақибларига ён бермаслиги билан мутахассислар ва муҳлислар тилига тушди. Ўзингиз ўйланг, «Насаф»ни қабул қилган «Трактор» ўйин тугашига тахминан ўн дақиқалар қолганда 2:4 ҳисобида имкониятни бой бераётганди. Кейин кетма-кет ўн тўп қаршилиқлар дарвозасига бориб тушди. «Трактор» уч очколик бўлди. Тошкент вилояти «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги стадионида ҳам шу ҳол такорланди. 0:2 ҳисобида ютқазаётган «Трактор» 85 ва 86-дақиқаларда муваффақият қозонди. «Дўстлик» ўз майдонда бу йилги мавсумда биринчи очкони йўқотди. «Трактор» жамоасида тўп сураётганларнинг деярли барчаси Мирзо Улугбек туманидан эканлиги диққатга сазовор. Ўринбосарлар таркибининг ҳам муваффақиятга қатнашаётганлиги «Трактор» келажига умид уйғотди. Сермахсуллик борасида ўринбосарлар таркиби фақатгина «Нефтчи» ва «Навбаҳор»дан орта қолапти.

Энди пойтахтнинг энг кенжа жамоаси «Чилонзор» ҳақида. Олий лигадаги дастлабки мавсум осон кечмаётди. «Чилонзор» ҳали ҳам ҳавфли зонани тарк этолгани йўқ. Жамоада мураббийлар алмашинуви юз берди. Рауф Иниев ўрнига Мустафо Билолов ва Константин Новиковлар тақлиф этилди. Ўйинда бироз жонланиш юз бергандек. Дастлабки йирик ғалаба («Сўғдиёна» устидан 4:0) қўлга киритилди. Мақоламиз юқорисида айтганимиздек, МХСК чилонзорликларни «қийинчилик» билан ютди. Жамоанинг Аниев, Жаббаров, Мальчевский, Пўлатов, Отаев, Досмуков, Навлонов сингари ўйинчилари энди «қийинчилик»ни Демак, «Чилонзор» олий лигада мавқенини сақлаб қолишига умид бор.

Хуллас, ғалвининг ярми сувдан қўтарилди. Олий лига жамоа аъзолари биринчи даврада ўтказган ўйинларини таҳлил қилмоқдалар, футбол мавсумининг иккинчи ярмида қандай ўйин кўрсатиш режаларини тузмокдалар. Бинобарин бугун биз «Оқшом» муштарийларига пойтахт чарм тўп усталарининггина ўйинлари хусусида кенгрок тўхталдик. Бинобарин олий лигада қатнашаётган ҳар бир жамоа ўйинлари ҳақида фикрлар, мулоҳазалар давом этапти. Бу — тушунарли, албатта. Чунки 18 жамоадан ҳар бирининг футбол бўйича Ўзбекистон VI миллий чемпионатида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бор. Энг муҳими, муҳлисларни севинтириш, ҳар бир ўйинни масъулият билан ўтказиш. Чунки олдиде Ўзбекистон миллий тарма командасининг кейинги гуруҳдаги мусобақалари турбиди. Демак икки чемпионат ўйинларида қанчалик маҳорат кўрсатилса, тарма жамоамизнинг бўлажак беллашувлари ҳам шунчалик шиддаткор бўлади.

Комилжон ЖУМАЕВ.

КИНО

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»

Ўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла, Оталарнинг тарихдаги хатосини. Шул хатодан оқуқлаиб, ёлларнинг Эл кўксига сурган ишрат, сафосини. Бу ўлмас, ҳаётини сатрларнинг муаллифи, кузда 100 йиллиги нишонланадиган буюк шоир Абдулхамид ўғли Чўлпон.

Муборак тўйга Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжатли фильмлар киностудияси ўзининг муносиб улушини қўйиш ниятида: «Тонг юлдузи» деб номланган ҳўжатли фильмини суратга олмоқда.

Экран асарида томошабин Чўлпон ҳаёти, ижоди билан танишади. Унинг халқимиз ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, матбуотдаги чиқишлари, театр, адабиёт оламидаги ижодий фаолияти ва фожияли тақдирини кўради.

Ҳўжатли фильмга студиянинг етакчи кинорежиссёри Шўхрат Маҳмудов режиссёрлик, Наим Каримов муаллифлик, Элдор Мамедов тасвирчилик қилмокдалар.

Махлиё МИРСОАТОВА.

«02»

ОТАСИГА ҚЎЛ КЎТАРДИ

Ҳар бир инсон бола-чақа, уй-рўзгорим деб турмуш сўқмоқларида олиб югуради, лекин умр ўтиб, бир кун қарилки остана хатлаб турганини сезмай қолди.

Фарзандларини уй-жойли қилиб, қарилки гашини сураётган Турғунбой ота ўз ўғлининг хатти-ҳаракати хайрли тугамаслиги ва спиртли ичимликка ружу қўйиш нўжўя ишлар келтириб чиқаришини панду насихат қилади. Лекин нокобил ўғил мўйсафид отанинг сўзларига қўлоқ солиш ўрнига ўз бил-

ганидан қолмади. Кунлардан бир кун кечқурун уйига келган ўғил отасининг «Мазам йўқ, болам», деган гапига: «Менинг нима ишим бор», деб ўда-ғайлаб кетди. Ичкилик таъсирида қутурган ўғил отасига аввал дўқ-пўписа қилди, сўнгга аямасдан ура кетди. Оғир аҳволдаги мўйсафидни касалхонага олиб келишди. Хорзирги кунда оқладар ўғил қилмиши учун қонун олдига жавоб бермоқда.

Обиджон ВАЛИЖОНОВ,

милиция катта лейтенанти.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗОРОВ

ТИЖОРАТ
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилиб, аҳоли томонидан машиш эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар 1 квт. соат электрэнергия нархи 2 сўм, ошхона электроплиталари билан жихозланган уйлар учун эса 1 сўм белгиланди.

Аҳоли учун ўрнатилган барча имтиёзлар сақланиб қолинади.

1 августгача сарф қилинган электр энергия ҳақи эски нархда фақат 20 августгача қабул қилинади.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари
корхонаси.САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ
РАҲБАРЛАРИ ВА ЖИСМОНИЙ
ШАҲСЛАР
ДИҚҚАТИГА!

«Янги Тошкент консерва» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг «ЗАМИН» шўба корхонаси 0,65, литр, 1 литр, 2 литр, 3 литрли ҳажмдаги шиша идишларни чекланмаган микдорда

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳақ тўлаш усули пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент вилояти, Қўбрай тумани,
СалорГЭС қўрғони.
Тел: 63-96-50, 78-72-04.



Сизнинг рекламаларингизни, хўсусий эълонлар ва хўсусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қилари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтоловларни, никоҳ эълонлари ва шўнгга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртайди.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕУОТЧИЛАР КўЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.

Юнусободнинг 9-мавзесидаги, 1- уй, 55-хонадон
СОТИЛАДИ.
Тел: 47-37-42. Равшан.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomiМуассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИМанзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
133-08-74, 136-57-65.
факс: (3712) 133-29-09.Душанба, торшанба
ва ҳўрча
кўнларни чиқари.
Нашр қўрайикчи
64690Нашрини етказиб бериш
масаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлима-
рини «Тошкент почтасига»
133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.